

ФАОЛ ЎҚИТИШГА АСОСЛАНГАН ЁНДАШУВ

Дустмуратова Майрамхон Тожиҳужаевна

Хужабод Абу Али ибн сино номидаги

Жамоат саломатлиги техникуми

Хамишралик иши фани ўқитувчиси



Аннотация: Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинаётган соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш комплекс чора-тадбирлари аҳолига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш ва патронажнинг самарали моделларини жорий этиш ҳамда тиббий хизмат самарадорлиги, сифати, қамровини ошириш учун асос бўлиб келмоқда. Шунингдек, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликлар профилактикаси соғлиқни сақлаш тизимининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Бу жараёнда тренерларга асосий ўрин ажратилган, негаки улар хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш режаларига мос келадиган мамлакатнинг эҳтиёжларини ва ўқитиш талабларини баҳолай оладиган етук мутахассисдирлар Агар тренинг ўқувчиларга ўзларининг ўқув мақсадларини аниқлашга имкон берилса, улар ўрганган нарсалари тўғрисида фикр юритишлари ва муаммоларни мустақил равишда ёки ўз ҳамкасблари билан очик ва қўллаб-қувватландиган ўқув муҳитида ҳал қилишга имконият берилса, ушбу ёндашув энг муваффақиятли ёндашув ҳисобланади.


Калит сўзлар: Интерфаол таълим, ақлий хужум, муз ёрарлар ,компитенция, катнашчиларни гуруҳларга ажратиш, ўзлаштирилганни назорати, йўналтирилган суҳбат, катталарни ўқитишда кулабб-қувватлаш, рол ўйинлари, фикр-мулоҳаза ва муҳокама,эмпатия ва ҳурмат билан тинглаш қобилияти.

"Менга айтинг ва мен унутаман. Менга кўрсатинг ва мен эслаб қолмаслигим мумкин. Мени жалб қилинг, шунда мен тушунаман." Америкалик индуслар мақоли.

Тадқиқот маълумотлари шуни кўрсатадики, 3 кунлик машғулотдан сўнг иштирокчилар таҳминан қуйидагиларни эслаб қолади:

- Ўқиган нарсаларининг 10% ни
- Эшитган нарсаларининг 20% ни
- Кўрган нарсаларининг 30% ни
- Кўрган ва эшитган нарсаларининг 50% ни
- Кўрган, эшитган ва муҳокама қилган нарсаларининг 70% ни

- Кўрган, эшитган, муҳокама қилган ва бажарган нарсаларининг 90% ни



Интерфаол таълим - бу ўқувчини ўқув жараёнига жалб қилиш усули. Бу восита ўқувчиларга ўрганганлари сари ўрганаётган нарсаларини кўриш, эшитиш ва ҳаракатлар билан бажариб кўриш имконини беради. Ўқувчи мураббий режалаштирган ва амалга оширишга ёрдам берадиган когнитив тажрибада фаол иштирок этади.

Фаол ўрганишга асосланган ёндашувдан фойдаланганда:

–Мақсад катта ҳажмдаги материални қамраб олиш эмас, балки ўқувчининг билимини, муносабатини ва / ёки хатти-ҳаракатларини ўзгартиришдан иборат;

–Мураббий нафақат маълумот тарқатувчи, балки тажриба олишни ва тренингни ўзлаштиришни осонлаштирадиган одамдир;

–Ўқийётган инсоннинг вазифаси нафақат тинглаш ва ўрганиш заруратидан иборат; шунингдек, муаммоларни кузатиш, муҳокама қилиш, ўқиш, машқ қилиш, акс эттириш ва ҳал қилишдан иборат;

–Саволларни «Сиз тушунапсизми», "Биз бунини нима учун қиламиз?", "Бу энг яхши усулми?" тарзида эмас, балки "Агар биз..... қилсакчи ..." "Агар.....сиз нима қилган бўлар эдингиз..." тарзида бериш керак;

–Методология нафақат тинглаш ва ўзлаштиришдан иборат, балки бажариш ва ўз тажрибасида синаб кўришни ҳам ўз ичига олади. Тренингнинг муҳим қисми иштирокчилар томонидан таркибий қисмларни қайта ишлаш, машқ қилиш, бирлаштириш, қўллаш, боғлаш ва акс эттиришга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш билан боғлиқ.

–Тренинг мазмуни фақат мураббий томонидан қатъий белгиланмайди, балки иштирокчиларнинг эҳтиёжларига боғлиқ бўлади.

–Ўқув жараёнида диққат марказида ўқитувчи ва ўқитиш эмас, балки таълим ва таълим олувчи бўлиши керак.

Таълимнинг фаол ўқишга асосланган ёндашуви, шунингдек, маълумотни шунчаки когнитив даражада эслаб қолиш етарли эмаслигини тахмин қиладиган Блумнинг¹ таксономиясининг мазмунига асосланган. Инсон буни тушуниши, уни қўллашни билиши, таҳлил қилиши, синтез қилиши ва баҳолай олиши керак. Шунга ўхшаб, шунчаки маълумот олиш ҳиссий даражада ҳам етарли эмас; киши маълумотларга жавоб бера олиши, маълумотни қадрлаши, баҳолаши ва ўзлаштириши керак. Маълумотлар аслида эслаб қолинадиган таълимнинг юқорироқ даражаларига ўтиш учун одамлар бирор нарса қилиш (ёки маҳоратдан фойдаланиш) қобилиятини ўзлаштиришга имкон берадиган тажрибага эга бўлишлари керак. Қуйидаги жадвалда ушбу даражаларнинг бир-бирига ва тараққиётга қандай боғлиқлиги тушунтирилган.

СОҲАЛАР			
Даражаси	Когнитив	Ҳиссий	Хулқ-атвор (маҳорат)
1	Эғалик Мен уларни ўқишим, иқтибос қилишим ва керак бўлганда уларга мурожаат қилишим учун билим, далиллар, назарияларни эгаллаш.	Олиш Бир киши аудиторияда бошқа одамларнинг тажрибаси, кадриятлари, эътиқоди ёки ҳис-туйғулари ҳақида тинглашни ва эшитишни хоҳлайди.	Хулқ-атвор / маҳоратни/қобилиятни идрок этиш Шахс маълум бир ҳаракатни бажариш билан боғлиқ маълум бир маҳорат ёки кўникмалар мавжудлигини, одатда тавсифлаш ва / ёки намойиш этиш орқали тушуниши учун қилинади.
2	Тушуниш Бошқаларга тушунтириш учун мен буни етарли даражада яхши тушунишим учун мен ўзлаштирганимни англашим.	Жавоб ҳаракати Бирор киши ўз тажрибаси, кадриятлари, эътиқоди ёки ҳис-туйғулари ҳақида гапиришни хоҳлайди. Изоҳ: 2-даражадаги иш етарли даражада ишонч ва хавфсизлик мавжудлигини англатади, шундагина иштирокчилар бошқаларни тинглаш ва улар ҳақида тажриба алмашиш	Хулқ-атвор / кўникмаларни синаб кўришга тайёрлик Бирор кишига кўникмадан амалда фойдаланишга тайёрланиш имконияти берилади.

		зарурлигини хис қилишлари керак.	
3	Қўлланилиши (Когнитив маълумотни керакли тарзда тўғри қўллаш қобилияти).	Қадриятни тушуниш (Инсон бир хил тажрибани шарҳлаш ёки кўришнинг турли усуллари ўрганиш ва бошқа нуқтаи назарларнинг аҳамиятини ўрганиш имкониятига эга).	Бирон-бир кишининг раҳбарлиги остида амалий ҳаракатлар (Киши бошқа одамларнинг фикрлари ва тавсиялари орқали ушбу маҳоратдан фойдаланишга ҳаракат қилади.)
4	Ахборотни таҳлил қилиш, уни таркибий қисмларга ажратиш, бу қисмлар ўртасидаги муносабатларни кўриб чиқиш қобилияти.	Ўз-ўзини баҳолаш Киши ушбу янги талқинлар ёки нуқтаи назарлар қандай қилиб ўтмиш ва келажакдаги тажрибаларини ва муносабатларини қандай ўзгартиришини ўрганиш имкониятига эга.	Оддий маҳорат Амалиёт орқали инсон ўзининг асосий маҳоратидан қандай қилиб меҳнатсиз осон фойдаланишни ўрганади
5	Рекомбинация Янги билимларга, тушуниш ва фойдаланиш имкониятларига эга бўлиш учун маълумот таркибий қисмларини янги усулда синтез қилиш қобилияти.		Қийин маҳорат Турли вазиятларда ушбу маҳоратдан фойдаланиш имкониятига эга бўлган ва ушбу маҳоратни қандай қўллаши тўғрисида қайта алоқа олган одам кўшимча равишда уни эгаллайди.
6	Баҳолаш Уларнинг фойдалилиги тўғрисида хулоса чиқариш учун тегишли стандартлардан фойдаланган ҳолда билимларни, далилларни, назарияларни ва бошқаларни баҳолаш қобилияти.	Ўзлаштириш Бирор киши янги, бошқа ва / ёки қайта ташкил этилган эътиқод ва қадриятларни қабул қилади ва уларни автоматик равишда янги амалий фаолиятда қўллай бошлайди.	Адаптив эгаллаш Бирор киши назорат қилинадиган вазиятдан ташқарида маҳоратдан унумли фойдаланиши ва ўз хатти-ҳаракатларини тўғрилаши ёки керакли тайёргарликни олишда ташаббус кўрсатиши мумкин.

ИШТИРОКЧИЛАРНИНГ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ ВА УЛАРНИНГ ТЎЛАРОҚ ЖАЛБ ЭТИЛИШИГА ЭРИШИШ УЧУН МУРАББИЙ ҚУЙИДАГИ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИНИНГ БАЪЗИЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШИ МУМКИН:

АҚЛИЙ ХУЖУМ

Ақлий ҳужум муаммоларни ҳал қилиш ва фикр алмашиш учун самарали

усулдир. Унда иштирокчиларнинг тажрибасидан фойдаланилади ва улар ҳурмат қилинади. Ушбу турдаги фаолиятнинг афзалликлари ва камчиликлари қуйидагилардан иборат: улар кулгили ва муқобил вариантларни яратади; улар фаол иштирок этиш орқали гуруҳга энергия беришга қодир ва кўплаб ғояларни олиш, ҳамда муайян мавзу бўйича билим даражасини текшириш учун самарали механизмдир. Бошқа томондан, ақлий ҳужум сессиясида ғоялар жуда юзаки тарзда тақдим этилади.

Ақлий ҳужум қўлланилган машғулотларнинг намуналари

Донолик девори: Ушбу машқ иштирокчиларга маслаҳатлар билан ўзаро алмашишга ёрдам беради ва одамларнинг уларни қўллашларига эътибор беришларини таъминлайди. Иштирокчилардан курс билан боғлиқ бўлган энг катта муаммони ҳисоб карталарига ёзиб қўйишни ва ушбу картани бутун машғулот давомида ўзларида сақлашларини сўранг. Ўқувчи унга ўзи ёзган муаммони ҳал қилишга ёрдам берадиган бирор нарсани топгач, ушбу ечимни картага ёзади ва картани кўрсатилган "Донолик девори"га қўяди.

Машғулот давомида иштирокчиларга муаммо ва ечимлар ҳақида гапиришларини сўранг. Шу билан бир қаторда, сиз иштирокчиларни ўзларини қизиқтирган саволларни деворга осиб қўйишга таклиф қилишингиз мумкин ва бошқаларни эса ушбу муаммо ва саволларга ўзларининг ечимларини семинар давомида карталарга бириктирилиши керак бўлган ўз-ўзидан ёпишқоқ варақларда таклиф қилишларига чорлашингиз мумкин.

Доирада ишлаш: Ўз савол ва муаммоларингизни бир варақда шундай ёзингки, бир варақ қоғозда битта муаммо ёзилган бўлсин. Сиз яратадиган кичик гуруҳлар сони бўйича етарли миқдордаги плакатлар борлигига ишонч ҳосил қилинг. Плакатларни бутун хонанинг деворларига айлантириб жойлаштиринг. Иштирокчиларни кичик гуруҳларга бўлинг ва ҳар бир гуруҳга маркер беринг. Гуруҳларга ўзларининг дастлабки плакатларини тайинланг. Гуруҳлар қайдларни ёзиб бориш учун бир одамни танлаб олишади, сўнгра плакатларда акс этирилган саволларга ёки муаммоларга ечим топиш учун ақлий ҳужум усулини қўллашади. Гуруҳлар ҳар бир плакат олдида тўртдан беш дақиқагача вақт ўтказишади. Сигнал берилиши биланоқ гуруҳлар бошқа плакат олдида ўтишади. Улар улардан олдин аллақачон ёзилган нарсаларни ўқийдилар ва ўзларининг жавобларини қўшадилар. Бу машғулот ҳар бир гуруҳ ҳар бир плакат олдида ишлаб бўлмагунга қадар давом этади. Ўзларининг дастлабки плакатида қайтиб, улар жавобларни ўрганиб чиқадиладар ва барча иштирокчиларга намойиш қилиш учун улардан бештасини танлайдилар.

Карусель усулидаги "Ақлий ҳужум": Ушбу усул машғулот иштирокчиларини қўллаб-қувватлаш учун жисмоний қувватни фаоллаштиради. Ҳар бир алоҳида савол ёки мавзу бўлган ҳар бир столга ёки ҳар бир кичик гуруҳга

катта ҳажмдаги қоғозларни жойлаштиринг. Барча кичик гуруҳларга турли хил рангдаги маркерларни беринг. Ҳар бир гуруҳга қайдларни ёзиб борадиган одамни танлашга таклиф қилинг. Кейин жамоаларни ақлий ҳужум ўтказишга ва ўзларининг плакатларида ёзилган саволларга ёки мавзуларга жавоб ёки ечим топишни таклиф қилинг, гуруҳ топган жавоб ва ечимларни ёзувларни олиб борувчи гуруҳ аъзоси ёзиб бориши керак бўлади. 4-5 дақиқадан сўнг гуруҳларга ўз плакатларини қўшни столга беришларини таклиф қилинг. Ҳар бир алмашинувдан сўнг, гуруҳлар таклиф қилинган нарсаларни ўқиб чиқадилар ва ўзларининг фикрларини қўшадилар. Ҳар бир гуруҳ, ҳар бир плакатга ўз таклифларини киритмагунча машқни давом эттириш ёки машқни уч ёки тўртта алмашинув билан чеклаб қўйиш мумкин. Шундан сўнг, жамоалар таҳлил қилиш учун ўзларининг дастлабки плакатларини олишади. Деворларга плакатларни осиб қўйинг ва иштирокчиларга хонани айланиб чиқишни, ҳамма плакатлар мазмуни билан танишиб чиқишни таклиф қилинг, шунда ҳар бир иштирокчида яхши ғояларни кўриш ва агар хоҳласа, эслатма қилиб ёзиб олиш имконияти бўлади.